



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (13.005)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Оқил Фуломов олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Жамиятни ўзгаришувчи куч

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, мустақиллик йилларида ёшларнинг 94,3 фоизда ватанпарварлик туйғуси мустаҳкамланган. Бу уларнинг билим олиши, ўз танлаган касби, бажарётган вазифаси доирасида Ватанимизга ҳалол хизмат қилиши, мамлакатимиз шайни, обрўси, келажаги учун курашиб яшаш, халқимиз тарихи, маданияти, миллий урф-одатларини билиши ва ҳурмат қилишида намоён бўлмоқда.

Бу, шубҳасиз, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон андозлари даражасига чиқариш, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар мевасидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Онгини, тафаккурини ўзгартмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад — озода ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди” деган фикри ва ғояси асосида ватанига, халқига садоқатли, мустақил фикрлайдиган, ҳар бир масалани оғли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан, янгилликка интилувчан ёшларни камолга

етказишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия тизими изчил такомиллаштирилди. Дарсларда янгича тафаккурни шакллантирадиган, кишини фикрлашга ундайдиган замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Эски қолиддаги дарсликлардан воз кечилиб, янги андоздаги ўқув адабиётлари жорий этилди. Улар ёшларда миллий онг, менталитет, мамлакатимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Бир вақтлар бировлар томонидан яратилган тарих дарсликлари ўқитилар эди, — дейди пой-
(Давоми 2-бетда)

“Ўзэкспомарказ”да “UzEnergyExpo – 2015” энергетика, энергияни тежаш, ёритиш, электротехника ҳамда “UzStroyExpo – 2015” қурилиш, иситиш, вентиляция, қувурлар ва фитинглар халқаро кўргазмалари иш бошлади.

Халқаро кўргазмалар

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ САМАРАЛАРИ НАМОЙИШИ

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзбекэнерго”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзмаҳсулсантажқурилиш” акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва Автоматика институтини, “Ўзкоммунхизмат” агентлигини, “IEG Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Беларусь, Германия, Италия, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Украина компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмаларнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодийётнинг кўплаб тармоқлари, жумладан, энергетика ва қурилиш саноатини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Энергия тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шамол, кўёш, гидроэнергетика каби тикланадиган энергия манбалари ривожини ва қўёш-иссиқлик электрстанцияларини жорий қилиш борасида инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонида мўвофиқ “Ўзбекэнерго”

акциядорлик жамияти томонидан 2019 йилгача умумий қиймати 3,2 миллиард доллардан ортиқ 13 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Ресурс тежамкор буғ-газ қурилмалари ва қўёш энергиясини фойдаланишидан замонавий, синалган технологияларидан кейин жорий этиш асосида мавжуд қувватларни модернизациялаш, янгиларини барпо этиш бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

“UzEnergyExpo – 2015” кўргазмасида паст ва юқори вольтли ускуналар, кабеллар, изоляторлар, трансформаторлар, электр-монтаж жиҳозлари, ёриткичлар, ёруғлик ўлчаш асбоблари, замонавий транспорт технологиялари, химоя воситалари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб маҳсулотлар намоийш этилмоқда. “Sendrilion”, “High Light Technology”, “Hi-Tech Kabel”, “Metal-Polymer Technologies”, “TOJDOR ZAMIN” сингари компаниялар томонидан электр генераторлари, мобил электр станциялар, оптик толали кабеллар, полимер изоляторлари, электр истеъмолчини масофадан назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимлари, энергия тежамкор технологиялар намоийш этилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий ҳаётида энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди “Viso” корхонаси маркетинг бўйича директори Дониёр Раҳимов. — Корхонамиз энергия тежовчи LED русумли лампаларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқда. Хозирги вақтда маҳсулотларимизнинг 70 фоизини шу турдаги лампалар ташкил этиб, улар хорижа экспорт ҳам қилинмоқда.

Ярмаркада “AKSA Generator San. A.S.” (Туркия), “STARPOWER S.r.l.” (Италия), “TELLHOW” (Хитой) компания-

АКТ ҲАФТАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

“ICTWEEK Uzbekistan-2015” ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида “ICTFORUM – 2015” ахборот-коммуникация технологиялари форуми бошланди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилаётган ушбу тадбирда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги етакчи компаниялар вакиллари, тармоқ экспертлари ва хорижий мутахассислар қатнашмоқда.

Форумни ўтказишдан мақсад Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш, хорижий олим ва тадқиқотчилар билан ахборот технологияларининг муҳим тармоқлари бўйича тажриба алмашишни рағбатлантириш, симсиз ва оптик индустрия соҳасида инновацион, амалий тадқиқот ва ишланмалар имкониятларини муҳофама этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва барча соҳаларга жорий этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Жорий йилда аънавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги дастурига биринчи марта “ICTFORUM-2015” ахборот-коммуникация технологиялари форуми киритилди. Форум илгари бу борада мустақил равишда ўтказилган конференциялар, маҳорат сабоқлари ва йиғилишларни ўз ичига олган. Бу нафақат барча тадбирларни самарали ташкил этиш, балки бу ерга ташриф буюрадиганлар учун қўлай шароит яратиш имконини беради. Форум тадбирлари телекоммуникация технологиялари, интернет-ресурслар, “Электрон ҳукумат”ни ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги, иқтисодиётнинг турли тармоқларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, туризм ва банк соҳаси, шунингдек, Startup лойиҳалар каби йўналишларга ажратилган.

Айни пайтда саккизта инновацион лойиҳани амалга оширмоқдамиз, — дейди Ўзбе-

кистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот-хисоблаш марказининг дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва кузатиш бўлими бошлиғи Озодхўжа Иноятов. — “UZASBO” дастурий комплекси шулар жумласидан. Мазкур комплекс бюджет ташкилотлари учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, бухгалтерия хисоботларини юритиш жараёнини қамраб олади, вазирлик ва идоралар, назорат қилувчи органлар билан ўзаро алоқаларни енгиллаштиради. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларида ҳужжат айланишининг катта қисmini электрон шаклда амалга ошириш имконини берадиган янги интерактив хизматлар ишлаб чиқмоқдамиз. Пул маблағларини олиш учун электрон тўлов топшириқлари ва аризаларни жўнатиш имконияти шундай хизматлар сирасига қиради.

Ўзбекистонда юқори технологиялар соҳаси давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида тармоқни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази мутахассиси, жанубий корейлик эксперт-малахатчи Ким Санг-Таэ. — Иқтисодиётнинг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорлиқни янада ривожлантираш ва қўшма лойиҳаларни кенгайтираш.

Жорий йилги форум янги ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этишга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

лари бензин, дизель, газ, электр генераторлари, мобил электр станцияларининг кенг ассортименти билан иштирок этаётган бўлса, қувват узатиш ва печли трансформаторлар учун алмашиш уланадиган қурилмалар ва бошқа боғламаларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда пешқадам MR компаниялари гуруҳи (Германия) трансформаторларни модернизациялашда зарур бўлган эҳтиёт қисмларни намоийш этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига MR компаниялари гуруҳи вакили Вадим Корнел. — Бунинг мазкур халқаро кўргазмаларда намоийш қилинаётган маҳсулотлар, тақлиф этилаётган хизматлар сифати юқорилиги ва турининг кўпчилигидан ҳам кўриш мумкин. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир. Шу боис мамлакатимиздаги кўплаб компаниялар Ўзбекистон ишбилармонлари билан изчил ҳамкорлик ўрнатмоқда. Ушбу тадбир ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, янги шартномалар тузиш имконини бераётганидан мамнудим.

Мамлакатимиз қурилиш саноатида барқарор ўсиш суръатлари қайд этилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида саноат корхоналари томонидан 2,11 триллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бў ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,3 фоизга кўпдир.

“UzStroyExpo – 2015” кўргазмасида иштирок этаётган ишлаб чиқарувчилар сафи янада ортиб бораётган бўлиб, Эроннинг “Towzingar”, Жанубий Кореянинг “Navien Energy”, “Kiturami” компаниялари стендлари ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада намоийш қилинаётган “Binokor temir-beton servis” корхонасининг темир-бетон бўумлари, “Grand art ceramits” корхонасининг сантехника маҳсулотлари, “Flammat” корхонасининг лардозлаш ишларида қўлланиладиган шиша мозаика маҳсулотлари, “Woodman group” корхонасининг ламинацияланган пол қўптамлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари турлари тобора кўпайиб бораётганини кўрсатади.

Мазкур кўргазмалар юртимиз корхоналари учун ўз маҳсулотини саноат соҳалари мутахассисларининг кенг доирасига ва истеъмолчиға тақдим этишда қўлай имкониятлар яратса, хорижий компанияларнинг иштироки мамлакатимизга юқори технологик ускуналарни жалб этишга хизмат қилади.

Бехзод БОЗОРОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда “2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзусида конференция-семинар бўлиб ўтди.

● Фарғонада “Таълим ва мутахассислик” кўргазмаси ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 2-болалар муסיқа ва санъат мактабида мамлакатимизда биринчи бўлиб заргарлик тўғараги фаолияти йўлга қўйилди.

● Нукусда давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда жойлардаги давлат бошқаруви идораларининг роли мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Мисрдаги Синай ярим оролининг марказий қисмидаги Нахль аҳоли пунктида жойлашган Бир-Газира қишлоғида ўтаётган тўй маросимида қуролланган жангарилар бостириб кирган ва тўпланганларга қарата тартибсиз ўқ узган. Бунинг оқибатида 12 киши ҳалок бўлди, тўрт киши оғир жароҳат олган.

● Кейинги икки йил Ерда кузатувларнинг бутун тарихидаги энг иссиқ йиллар бўлиши мумкин. Бундай хулосага, Британия метеорология бюроси мутахассислари келган. Америкалик олимларнинг прогнозларига кўра, 2015 йилда Эл-Нино рекорд даражада кучли ҳодисага айланиб, Шимолий Америка фарбидаги сув тошқинларига, Индонезия, Австралия ва Ҳиндистоннинг бир қатор худудларидаги қурғоқчиликларга сабаб бўлади ва Тинч океанининг фарбий қисмларига қуруқ жазирама ҳавони олиб келади.

● Токиолик ихтирочи iPod плеерларида ишлатиладиган бошқарув филдиракчасини у ихтиро қилганини исботлади. Энди Apple 57 ёшли ихтирочиға 2,7 миллион доллар тўлаб беради. Хукм Япония Олий суди томонидан чиқарилган. Америка корпорацияси даъвогарнинг позициясига қарши ишончли далиллар келтира олмаган. Япониялик муҳандис янгилликни 1998 йилдаёқ ўйлаб топганини таъкидлади. Apple ихтиро билан қизиқиб қолган, бироқ томонлар iPod плеери сотувга чиққуниға қадар ихтиродан фойдаланиш ҳақида келишиб олишға муваффақ бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил топган бўлиб Марказий Осиёда ягона ва республикада етакчи архивлардан бири ҳисобланади.

Архивда 250 мингдан ортиқ сақлов бирлигида ҳужжатлар сақланади. Улар илм, фан, техника, санат, қурилиш, транспорт, конструкторлик, рационализаторлик, ирригация, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларининг ҳамда тиббиёт соҳасининг ривожланиш тарихига оид бўлган ҳужжатлардан иборат. 160 мингдан ортиқ сақлов бирлигидаги ҳужжатлар Миллий архив фонди ҳужжатларини ташкил этади. Шулар қаторида архивда илмий-техникавий, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид бўлган шахсий таркиб ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда фуқаролар қариллик нафақаларини расмийлаштириш раётидаги қариллик нафақалари сабабли, меҳнат фаолияти ва оила маоши ҳақидаги архив маълумотномаларини олиш учун асосан архивларга мурожаат этилган.

Мурожаатлар ва сўровлар мuddатлари ва мурожаат этиш тартиблари 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан олиб борилади. Мазкур қонун давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти идораларига бевосита мурожаат қилиш ахборотлаштириш ва мурожаат этишчиларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ҳисобига олган ҳолда интернет тармоғида ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг gov.uz "Ягона интерактив давлат хизматлари" портали очилган. Ушбу портал орқали Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бевосита давлат муассасаларига, жумладан "Ўзархив" агентлиги тизимидаги давлат архивларига ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

"Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, нафақа ёшига етган фуқароларга қулайлик яратиш, мурожаат ва сўровлар ижро мuddатларини қисқартириш

мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) тизимида "ЎЗР ИТТХМДА" шахсий кабинети ташкил этилди. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар мазкур портал орқали бевосита ЎЗР ИТТХМДАга мурожаат йўлламоқдалар. Бу орқали мурожаатлар ва сўровларнинг ижро мuddатлари ва сифати яхшиланишга эришилмоқда. Бугунга қадар ЎЗР ИТТХМДА шахсий кабинети орқали келиб тушган учта мурожаат (ариза) ва олти битта сўровнинг ижроси таъминланган.

Шахсий кабинетга мурожаатларнинг келиб тушган куниданоқ ижро учун қабул қилишга, сўров-

ланаётганлигини билиш ва тўғри тавсия бериш мумкин.

Фойдаланувчилар учун сайтда электрон аризалар бланкалари жойлаштирилган бўлиб, эндиликда улар бевосита мазкур сайт орқали архивга мурожаат этишлари мумкин. Архив томонидан ушбу мурожаат ва сўровлар қўриб чиқилиб ижроси таъминланади. Мазкур сўров мазмунини бўйича архивда маълумот топилмаган ҳолларда тегишлилиги бўйича бошқа архив муассасаларига ёки идоравий архивларга ижро учун юборилади.

Шу билан бирга архивнинг расмий веб-сайтида жисмоний ва юридик шахсларга турли маслаҳатлар беришнинг замонавий кўриниши "онлайн консултант" тизими йўлга қўйилган. Мазкур тизим интернет орқали бўлган мурожаатларга қисқа фурсатда жавоб қайтариш имкониятини бermoқда.

Фуқаролар сўров-аризалари бўйича меҳнат фаолияти

(иш стажини) тасдиқловчи, иш ҳақи (ойлик маоши) тўғрисида, сайлов лавозимига сайланганлиги ҳақида, муқофотлар олганлиги ҳақида, даволанишда бўлганлиги, таълим олганлиги ҳақида, фуқаролик ҳолати, меҳнат ва мулк ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида маълумотлар олишлари мумкин.

Архивимиз сақловига топширилган ҳужжатлар юзасидан фуқароларга тавсиялар беришга, уларга ана шу ҳужжатларни топишда иложи борича ёрдам беришга ҳаракат қилинади.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг сўровлари бўйича ижтимоий ҳуқуқий мазмундаги маълумотлар архив маълумотномалари, архив нусхалари ва архив қўчимлари шаклида берилади. Бунда архивда сақланаётган ҳужжатлар асосидаги архив қўчимлари ҳужжатда қандай ёзилган бўлса шундай тарзда берилади, ўзгартиришлар, қўшимчалар, шарҳлар келтирилишига йўл қўйилмайди. Агар архив ҳужжатлари асосида берилаётган маълумотнома ва аризда келтирилган маълумотнома орасида тафовут, номуносивлик бўлса "ҳужжатда шундай" сўзлари билан изоҳланади.

С.РАЗАКОВА,
Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий Давлат архивининг катта илмий ходими



XXI аср — интеллектуал ёшлар асри

ЎЗА олган сурат

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги кўрик-танловнинг мамлакат босқичи ўтказилди.

Унда партия марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, санъаткорлар, хунармандлар, ижодкор ёшлар, партия фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий, иқтисодий билимларини мустақамлаш, оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора ошиб бораётганини давлат ва жамият ҳаётининг барча бўғинида яққол кузатиш мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" ҳам юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини янада оширишда фаол иштирок этмоқда. "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови ана шу йўналишдаги лойиҳалардан. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда ҳозирга қадар минг нафардан ортиқ хотин-қиз ўз билим ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди. Уларнинг аксарияти бутун давлат ва жамоат ташкилотлари, партия сафарларида фаолият кўрсатмоқда.

Танловнинг мамлакат босқичида 14 нафар иштирокчи сиёсий-ҳуқуқий билимини, иқидий қобилиятини ва истеъдодини намоён этди.

Танловда партиянинг Жиззах вилояти Зарбдор тумани кенгаши етакчи мутахассиси Умрхон Пулатова биринчи, Навоий вилояти Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Дилназир Носирова иккинчи, "Оила ва жамият" газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири Маърифат Абдуҳамидова учинчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Тадбир доирасида танлов иштирокчиларининг хунармандлик, заргарлик буюмлари, миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Диққат, танлов!

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда "Парламентаризм билимдони" онлайн танловини эълон қилади.

Танловнинг мақсади — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар ўртасида Конституция ҳоқлари ва бошқа қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қўмаклашиш, ёш авлодининг ҳуқуқий онги ва тафаккури, сиёсий маданиятини оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

Танлов 13 турдан иборат бўлиб, жорий йилнинг 8 сентябридан 8 декабригача давом этади. Танловда 14-30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни www.pb2015.uz сайти ва (+998 98) 809-22-69, (0 371) 241-00-50 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ КЎРКАМ ВА ЖОЗИБАДОР МАСКАНЛАРИ

Алвон рангдаги бу автобус ойнасидан шаҳримиз кўчалари, мустақиллик йилларида янгидан қурилган иншоотлар, турар жой мавзелаи кўркам ва жозибадор бўлиб кўзга ташланади. Салонга жойлашганлар автобуснинг ойнасидан чор-атрофни завқ-шавқ билан томоша қиладилар.

Улар чет элдан келган меҳмонлар ёки юртдошларимиз бўлиши мумкин. Синчиклаб қарасангиз, хорижий меҳмонлар ёки ҳамшаҳарларимиз галма-галдан пойтахтимиз бўйлаб сайру савҳатга чиққанлиги амин бўласиз. Одатий автобусдан фарқли тарзда ишлаб чиқарилган икки қаватли бу жамоат транспортида пойтахтимиз кўча ва хибонларини айланб чиқиш барчаннинг ораси.

Икки қаватли ўзига хос кўринишдаги бу жамоат транспортининг яратилиш тарихи 1847 йилга бориб тақалади. Уша йили хорижий компаниялардан бири томонидан иختиро қилинган бу автобус ўз шерикларидан усти очкилиги билан ажралиб турарди. Унинг ўриндиқлари тахтадан ясалган эди. Иккинчи қаватига айланма зина орқали чиқариладиган улловнинг бу тури ўнчалик оммалашмади, тўғриси, йўловчилар унга чиқиб жойлашишдан ҳайиқиб турардилар. Кейинчалик, яъни 1923 йилга келиб замонавий кўринишдаги чинакам даблдекерлар дунё юзига кўрди. "NS Type" деб номланган омнибус қисқа вақт ичида Лондон аҳолисининг энг сеvimли жамоат транспортларидан бирига айланди. Ҳозирги даврда эса ўз ўтмишдошининг такомиллашган кўринишини ўзида мужассамлаштирган ушбу уллов туридан Нью-Йорк, Париж, Мадрид, Берлин, Барселона каби дунё микёсидаги йирик шаҳарлар аҳолиси фойдаланиб келмоқда. Автобуслардан иккитасининг жорий йил Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрига келтирилиши қувончли воқеа бўлди. Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси, бу ерга таширф буюрган хорижий меҳмонлар, олис вилоят ва туманлардан пойтахтимизни айланиш учун келаётган юртдошларимиз даблдекер хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Шаҳримизнинг энг нуфузли меҳмонхоналаридан бири — "Ўзбекистон"нинг олд тарафидан хар кун даблдекер автобуси хизматга шай туради. Буюртмачиларга экскурсовод ундан фойдаланиш тартиб-қоидаларини тушунтиради. Меҳмонхона олдиндан бошланган савҳатга 2,5 соатлик вақт қийфа. Бу вақт оралиғида автобусга ўтирган йўловчилар шаҳримизнинг энг диққатга сазовор жойларини жами 34 километрлик масофа билан босиб, хуш кайфиятда яна ўз манзилларига қайтишади. Экскурсия йўналиши "Шаҳидлар хотираси" хибони, "Минор" масжиди, 1966 йилдаги зилзила қурбонлари хотирасига бўлиб етилган "Жасорат" монументи, Ҳазрати Имом мақбараси, Эски шаҳар, "Чорсу" бозори, "Истиклол" санъат саройи, Ўзбекистон Миллий боғи ва Мустақиллик майдони бўйлаб давом этади. Шаҳримизнинг марказий кўчалари бўйлаб автобусда сайр қилган хар қандай юртдошимизнинг ёки чет эллик кишиларнинг нигоҳи тўп-тўп бўлиб ўсаётган хушбўй ифори райхонга тушиши аниқ.

— Яқинда Тошкент шаҳрида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган "Истиклол фарзандлари" фестивалида иштирок этган тенкурларим қаторида менга ҳам даблдекер автобусига чиқиб, пойтахтимиз кўчаларини томоша қилиш насиб этди, — дейди Тошкент Давлат аграр университети талабаси Муроджон Машаев. — Аввал бунча автобусни чет элнинг киноларига кўрган бўлсам, энди кўз ўнгимизда турганидан, халқимизга хизмат қилаётганидан мамнун бўлдим. Автобусга чиқиб бирорта ўриндиқга жойлашинингиз билан электрон тугмачани боссангиз, сизга хоҳлаган тилдаги ахборот узатила бошлайди. Эшитиш мосламаси орқали шаҳримиз ҳақидаги барча ахборотлар сизга етказилади. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик лойиҳаларида фаол иштирок этганлигим туфайли мен даблдекер автобусда пойтахтимизнинг обод ва кўнглилар жойларини томоша қилиб, завқ-шавққа тўлиш, юртимиз билан фахрлини имкониятга эга бўлдим.

Хулқар КУЗМЕТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан қийариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "нол" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги	Объектнинг тавсифи	Мажбуриятлар			
						Объектга киритилган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизда ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестициянинг бажариш муддати (йил)	Объектда яратилган янги иш ўринлари сони (дона)
Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган объектлар									
1	Собиқ 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо базаси мулкй мажмуаси	Сергели тумани, Олтин водий 2-тор кўчаси, 59-уй	Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси	Давлат рақобат кўмитаси	Фундаменти бетон, деворлари ғишт	170 000	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	3	300

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 9 00 дан 18 00 гача қабул қилинади ҳамда

Танловда қатнашувчи деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун мuddат ичида танлов объектини мураккаб баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "нол" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш мuddати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-соти шартномаси тузилади.

Танловда қатнашувчи учун оғзи муҳрлаб қўйилган таклифлар (конвертларда) ушбу эълон берилган пайтдан бошлаб хар иш кунлари 9 00 дан 18 00 гача қабул қилинади ҳамда 2015 йил 23 октябрь 18-00да тўхтатилади ва танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан кам конвертларни очиб вақтидан икки иш кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2015 йил 27 октябрь кун, соат 15-00 да Тошкент шаҳар ҳокимлиги босининг 2-қаватидаги мажлислар залида очилади, шунингдек, танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақоррий савдолар хар ойнинг биринчи ҳамда учинчи сешанба кунлари соат 15-00да бўлиб ўтади.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100160, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16 а-йи манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Танловда қатнашувчи учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали худудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган мuddатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

- танловда қатнашувчи истаги билдирилган ариза;
- нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашувчи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда шунингдек, қонун ҳужжатла-

Тошкент шаҳар худудий танлов комиссиясининг 2015 йил 7 июлда ўтказилган 3-сонли йиғилиш баённомаси қарорига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-тор қўчаси, 59-йи манзилида жойлашган собик 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо базаси мулкий мажмуаларига "нол" харид қийматида 3 йил мuddат ичида 203 452, 8 млн. сўм миқдоридан инвестиция киритиш ҳамда 460 та янги ишчи ўринлар ташкил этиш шарти билан "Bolstone Commerce LP" чет эл компанияси танлов ғолиби деб топилган.

"Bolstone Commerce LP" чет эл компанияси томонидан инвестиция мажбуриятлари бажариш имконияти йўлиги ва мазкур масала юзасидан қилган мурожаатига асосан Тошкент шаҳар худудий танлов комиссиясининг 2015 йил 10 сентябрда ўтказилган йиғилиш баённомаси қарорига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-тор қўчаси, 59-йи манзилида жойлашган собик 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо базаси мулкий мажмуасини "нол" харид қийматида "Bolstone Commerce LP" чет эл компаниясига сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар

БЕКОВ ҚИЛИНАДИ



“Туркистон” саройида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган “Биз ибн Сино издошларимиз” мавзuidaги маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбир ўн дақиқали видеофильм билан бошланиб, унда Тиббиёт академияси талабаси бўлиш шарафига муяссар бўлган ёшларга рамзий равишда аллома ибн Сино ўз “Тиб қонунлари”ни, Гиппократ ўз “Қасамиди”ни ва бошқалар ҳам ўз белгиларини топширдилар.

Тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов биринчи курсга қабул қилинган талабаларни табриклар экан, уларнинг келажақда билимдон, ишга масъулият билан ёндашадиган шифокорлар бўлиб етишишида тинмай ўқиш, излашни, ўз устида муттасил

Талабалikka бағишлов

ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

ишлаш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, кечада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида таршиф буюрган мутасадди раҳбарлар ҳам сўзга чиқиб, ёшларни талабалikka қабул қилинганлари билан кутлаб, келажақдаги ўқишларига зафарлар тиладилар.

Шундан сўнг талабалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ўзбекистон талабаси ваъдаси”ни ўқидилар. Бунда улар Абу Али ибн Сино бобомизга

ва у сингари буюк алломаларга издош бўлишга, Ватанга сикидилдан хизмат қилиб, ўз билимларини янада мустаҳкамлаб олишга, эл-юртга, ота-онага, оилага меҳр-муҳаббатли бўлишга ваъда бердилар.

Тадбир доирасида магистрлар раъзий синов дафтарчаси фонендоскоп ва ибн Сино жамоат фонди томонидан инглиз тилида яратилган “Қасалликлар атласи”ни биринчи курс талабаларига тўхфа этдилар.

“Қасалликлар атласи”нинг инглиз тилида яратилишидан мақсад инглиз тилини чуқур ўрганиш, бу тилда мукаммал

сўзлаша олишни билиш ва хориж адабиётларидан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда “Биз ибн Сино издошларимиз” деб номланган кўргазмалар, Тиббиёт академияси ҳаётидан тайёрланган стендлар, ўқув ва илмий махсусотларда соғлом турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўз йўналиши бўйича етакчи олий ўқув юртиларидан бўлган Тошкент Тиббиёт академиясининг тўртта факультетида бугунги кунда тўрт мингдан

ортиқ бакалавр, етти юздан ортиқ магистр тахсил олади. Уларга саккиз юздан зиёд профессор-ўқитувчилар сабоқ беради.

— Мен болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилардим, — дейди Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиби Бобурбек Абдуғафоров, — ва бугун мен учун жуда қувончли кун. Жорий йилда давлат гранти асосида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Келажақда устозларим ёрдамида билимларимни мустаҳкамлаб бориб, эл саломатлиги йўлида сикидилдан хизмат қилиш ниятидаман.

Талабаларнинг байрамона чиқишлари ва эстрада хонандаларининг концерт дастурлари барчага манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
Қутбиддин НИЗОМОВ
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Ислом Исмоилов
олган суратлар

Спорт янгиликлари

ШОҲСУПА ТЎРИДАН ЖОЙ ЭГАЛЛАШДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказида супермотокросс спорт тури бўйича Республика очик турнири ўтказилди.

Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан Республика ҳамда халқаро мусобақаларда ғолиб, совриндор бўлган 60 нафар спортчилар иштирок этди.

“Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!” шiori остида ўтказилган ушбу турнир Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур турнирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан, спортнинг техник ва амалий турларига кенг жалб этиш, супермотокросс турининг оммавийлигини оширишдан иборатдир.

15 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар дивертель ҳажми 125 сантиметр куб, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар эса дивертель ҳажми 500

сантиметр куб бўлган мотоциклларда беллашдилар.

Мусобақанинг финал босқичида томошабин ёшлар мусобақа жараёнини кузатиш билан бир қаторда супермотокросс спортни мураббийлари ва спортчилардан мазкур спорт тури ҳақида маълумотлар олишди. Спортчиларнинг кўргазмалли чиқишлари, ҳаяжонли пойғаларини кузатишди.

Супермотокросс мусобақасида навоийлик Достон Хушвақтов, жиззахлик Дадажон Тўйчиев, Лимар Ажиалминов, сурхондарёлик Жавлонбек Умаров, Шухрат Хазратқулов, Тошкент вилоятидан Темур Аҳмедов, Владимир Оттинов, Андрей Сазанов, бухоролик Бекзод Ҳалимовов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Қувонарлиси эса бундай мусобақаларни ўтказиш орқали ёшларнинг спортнинг техник ва амалий турларига қизиқишлари ортиши билан биргаликда ушбу спорт турининг янада кенгрок оммалашishiга эришилмоқда.

Наргиза КАРИМОВА

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Баҳрайн термасига қарши кечган ҳар бир футбол учрашуви доимо шикдатли тарзда ўтиб келган. Айниқса, бу каби ўйинлар жаҳон чемпионати саралаш босқичларига тўри келган вақтда майдондаги ҳакамларга осон бўлмаган.

МУҲИМ БАҲСДА ЯПОНИЯЛИК ҲАКАМЛАР

Осиё футбол конфедерацияси 8 октябрда Манама шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё кубоги ва жаҳон чемпионатининг қўшма саралаш босқичи доирасидаги Баҳрайн — Ўзбекистон баҳсига япониялик ҳакамларни тайинлашни лозим деб топди.

Қизгин кечиши кутилаётган мазкур беллашувни япониялик рефери Тою Минору бошқаради. Унга қанотларда ҳамюртлари Наги Тошиюки ва Синзи Очилар ёрдам беришади. Учрашувнинг заҳира ҳаками бангладешлик ёш ҳакам Раҳмон Мизанур.

Ҳозирда Самвел Бабаён бошчилигидаги футболчиларимиздан баҳрайнликлардан кўра тажриба ва маҳорат бобида устун эканликларини ҳисобга олган ҳолда навбатдаги галабани кутиб қоламиз.

КУЧЛИ ТАЭКВОНДОЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат кубоги баҳслари ўтказилди.

Икки кун давом этган турнирда Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган 300 нафар ёш спортчи ғолиблик учун даъво қилишди.

Натижаларга тўхталидиган бўлсак, ўғил болалар ўртасида Бекзод Абдурахмонов, Сардор Тоиров, Абдулло Тўраев, Дмитрий Угай, Асилбек Хидиров, Баҳодир Ўлмасов, Отабек Жумабоев, Иброҳим Аҳмедов ўз вазн тоифаларида галаба қозонишди.

Ботир ХҲАЕВ

келиб чиқаётганлиги маълум бўлди. Баъзи фуқаролар электр тизимини хавфсизлик қоидаларига риоя этмай таъмирлайди. Ачинарлиси эса бу билан ўзларини хатарга қўядилар. Худди шундай ҳолатларни корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин.

Ёнғин нафақат уй-жойни бир зумда қулга айлантиради, балки қўллаб инсонлар ҳаётига таҳдид солади. Бир умрга мажруҳга айлантириши ҳам ачинарли ҳолат. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳалла фаоллари ва аҳолини огоҳ ҳамада хушёрликка қақирамиз. Зеро, ёнғин чиққан ҳолатда мудҳиш вазиятни бартараф этишдан кўра унинг олдини олган осон.

Эслайтиб ўтамиз, бу қоидаларга амал қилиш орқали мол-мулкимиз, ўзимиз ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраймиз.

Тоҳир НАЗАРОВ,
12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди
23-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми
бошлиғи ўринбосари

Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда.

“101”

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш ва унинг олдини олишга жалб этишдан иборат. “Тил-сиз ёв” билан курашиш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари вазифаси бўлиш билан бирга ҳар бир фуқароннинг бурчи ҳам ҳисобланади.

Шу боис аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ:

— очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

— электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиб, носоз, қўлбола тайёрланган бу каби асбоблардан фойдаланмаслик;

— белгиланган жойларда тамаки чекиш.

Оловнинг жиловсиз хатар даражасига етиши мумкинлигини ёш болаларга ҳам тушунтириб бориш зарур. Олов билан ўйнаш, пиротехника воситаларидан фойдаланиш натижасида турли кўнгилсизликлар юз беришини доимо уқтириш муҳим аҳамиятга эга. Кундалик турмушда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз, бу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг фуқароларнинг бепарволиги натижасида

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан “Тасанно — 2015” миллий таомлар халқаро фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Байналмилал маданият маркази, Бадий академия ва хорижий давлатлар элчионалари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу фестивалда кенг жамоатчилик вакиллари, чет эллик меҳмонлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида Ўзбекистонда жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ўзаро манфаатли, дўстона ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бирга, ижтимоий-гуманитар, маданий-маърифий муносабатларни тобора кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий ҳамкорлигини ривожлантириш, турли халқлар тарихи, урф-одат ва анъаналари, санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жиҳатлар 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона ва ахил оиладек истиқомат қилаётган юртимизда янада ёрқинроқ ўз ифодасини топмоқда.

Халқларнинг урф-одатлари намойишига айланган “Тасанно” фестивали ва либослар кўргазмаси Ўзбекистон ҳамда хорижий мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Мазкур фестиваль Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу савий-ҳаракатларга яққол мисолдир, — дейди Италиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Риккардо Манара. — Ўзбек халқининг ғоят пазандалиги, меҳмондўстлиги таҳсинга сазовор.

Фестиваль доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларига хос миллий либослар намойиши ҳамда юртимизда яшаб ижод қилаётган турли миллат вакиллари бадий асарларидан иборат кўргазма намойиш этилди.

Тадбирда ўзбек, хитой, корей, араб, озарбайжон, туркман, вьетнам, латви, грек, италян ва бошқа халқлар миллий таомлари танлови бўлиб ўтди. Турли миллий маданият марказларининг бадий жамоалари иштирокидаги концерт барчага завқ бағишлади.

Фестиваль бош соврини хитойлик ошпазларга насиб этди. Италиялик пазандалар биринчи, ўзбекистонлик ва мисрлик ошпазлар иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Аукцион савдосига, ТИФ “Миллий банк” Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 14 сентябрдаги АШ-11/4326 бюуртамонасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Набережная кўчаси манзилида жойлашган 30-32-34-36-йилар, таъмир-талаб бассейни, қишқи бассейни, сауна ва алоҳида коттежлар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 477 047 954 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 21 октябр кўни саат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнараи саат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 19 октябр кўни саат 16:00.

Юқоридиғи кўчмас мулк 2015 йил 21 октябр кўни сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2015 йил 2,12,23 ноябр кўнлари саат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 2 ноябрдаги тақририй савдо учун 30 октябр кўни, 12 ноябрдаги тақририй савдо учун 10 ноябр кўни, 23 ноябрдаги тақририй савдо учун 20 ноябр кўни саат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko'shmas mulk savdo xizmati” MЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банк” АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО: 01036, СТИР: 207122519 x/p.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-“А” уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.khms.uz, neltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

“KISNIK TARAQQIYOT BIZNES” MЧЖ (ИНН 302764464) устав фонднинг 60 522 000 (олтмиш миллион беш юз йигирма икки минг) сўмдан, 56 520 000 (эллик олти миллион беш юз йигирма минг) сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда қуйидаги телефон рақамида қабул қилинади. Тел: (0-371) 295-02-78.

“Сумбула-нон” MЧЖга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 22 август 2014 йилда берилган №1485019-сонли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўзгидромет

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 18 сентябр

кўни ҳаво ўзгариб туради,

ёғингарчилик бўлмади. Шарқ

дан секундида 5-10 метр тез

ликда шамол эсади. Ҳарорат

кечаси — 13-15, кун

дузи — 28-30 даража

иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг монит

оринг хизмати маълум

тига кўра, 18 сентябрда

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво

шароити шаҳар ҳаво муҳи

тида зарарли моддаларнинг

сақланиб қолганига имконият

яратилди, шифосининг дара

жаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масапарини бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8378 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г- 955

Топшириш вақти: 13.00